



ШУҲРАТ ШАЙДОСИ

Kamol Hakimov

Alisher Navoiy nomidagi TDO'TAU o'qituvchisi
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7950133>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 12-May 2023 yil
Ma'qullandi: 16-May 2023 yil
Nashr qilindi: 19-May 2023 yil

KEY WORDS

жамият, манфаатлар, шахс
қадри, баҳо, тушкунлик, кибр,
ҳавас, нафрат, ишқ

ABSTRACT

Мақолада Жек Лондоннинг "Мартин Иден" романи, қаҳрамонлар тақдири, ҳаёт ҳақидаги қарашлар, инсон феълидаги тубсиз жарликлар, мураккаб руҳий ҳолатлар, бахт-у қаро бахтлиқ, руҳ эркинлиги, қарашларнинг тусланувчанлиги кабилар ҳақида баён этилади, масала мураккаб шахс тўғрисида борганида китобхонда турлича фикрлар пайдо бўлиши ҳам табиий бир ҳол эканини унутмаслик зарур. Мақоладаги воқелиқ ҳикоя тарзида баён этилгани боис "эди" тўлиқсиз феълига қўй зарурат сезилганини ҳам қайд қилиш лозимдир..

Эпопея ... дабдабали вазндан айри барча сохаларда трагедияга эргашади..., эпопеяда нима мавжуд эса у трагедияда-да бор, аммо трагедияда нима мавжуд эса, унинг бори эпопеяда аксланавермайди.¹

Арастунинг ушбу фикридан жанрларнинг синкретик томондан узвий тегишлилиги ифодасини топган. Демак, фожидадаги унсурларэтиб туради. эпосда, шунингдек эпослардаги индивидуал тасвир асослари трагедияда акс

"Мартин Иден" Жек Лондоннинг автобиографик характердаги асари бўлиб, унда ҳаёт синовлари, турли чигалликлар, жамиятнинг айри қатламларига мансуб шахслар, уларнинг орзу-умидлари каби мавзулар тасвирланади. Бош қаҳрамон-Мартиннинг прототиби деб муаллифнинг ўзини айтиш мумкин.

Жек Лондон шундай эди: оддий фермер оиладан чиққан, киборлар даврасида ўз ўрнига эга, аммо бу каби доираларда ўзини бахтсиз ҳис қилган умидсиз шахс тимсоли эди. Ушбу ҳол Мартинда тажаллисини топади. Адабиёт тарихи бу каби жумбоқтабиат образларга кондир. Теодор Драйзернинг "Бахтиқаро Керри"си, "Женни Герхард"и фикримиз учун манба бўла олади.

Матрос йигит-Мартин Иден опаси Гертруданинг уйида яшайди. Поччаси Бернард билан оралари совуқ.

Мартин аввалига тартибсиз ҳаёт кечирар, интизомли турмушни тушунмас, ҳатто бу билан қизиқмас ҳам эди. Йигит пулга бефарқ, топганини кўнгилхушлиқка, одамларни хурсанд қилишга сарфларди. У инсонларга дунёда турмушнинг тугамас, тубсиз муаммоларидан ўзгача ҳам олам борлигини эслатишга уринар эди. Бироқ,

¹ Арасту. Поэтика. Тошкент, УМЭ Давлат нашр.. 2018, 28-бет.

биноқ... Айнан пул топиш уни қарита бошлади. Инсон серзарда, бадфеъл бўлиб қолишига йўқчилик сабаб эканини теран тушуниб бошлади. Мартин доимо меҳрдан маҳрум кишиларга бир онгина эса-да, бахт тортиқ этгиси келади: ҳатто бир сафар опаси Гертруда укасининг марҳаматидан кўзига ёш олади-бир лаҳзагина инсон экани ёдига тушган эди опанинг.

Мартин ўзидаги бир иллатни кечира олмасди: у мақтанчоқ эди. Аммо унинг мақтанчоқлигини бошқа кишилардек нафс учун қимматли умрини зое қилмаган, маиший турмуш ташвишларини писанд қилмаган йигитнинг ўзгаларга эслатмаси деб қабул қилсак тўғри бўлади, назаримизда. Муштлашувни хуш кўрадиган бу кўча эркини бир куни ўтиши учун нақадар оғир меҳнатга кўнган оломон ичида нафас олар, бой ва камбағаллар ҳаёти ҳақида ҳаёл сурар экан, ўз тақдирдан, қилмишларидан ранжиб қолаверарди.

Мартин нафс эгалари ичида яшай олмаслигини биледи, ҳаёсиз қизларнинг-қоракўз қизларнинг ноз-карашмалари энсасини қотиради. У зимдан шуҳрат шайдоси эди. Унинг кўнглида умид, завқ, ғайрат уйғотган "сеҳрли малика" бояр(бой эр) қизи Руф эди.²

Руф йигитдан чўчир, аммо қандайдир бир куч қизни олдинга етакларди. Руф Мартинда Авраам Линкольн сиймосини кўрар эди. Узукка қош қўйгандек мос эди улар, дер эдиг-у, уларнинг турли қатламдан экани шу мослик учун номослик вазифасини ўтайди.

Руф Мартиннинг қашшоқ тарзда яшашини билар, бироқ унда порлоқ келажак борлигига ўзини ишонтирмоқчи бўлар эди. Мартин ҳам қизнинг кўчадаги дағал муносабатли, уятсиз қизлардан эмаслигини яхши англайди. Шу боис яхши яшашга, сифатли ҳаёт кечиринишга интила бошлади. Мартин Руфнинг оиласи мисолида дунёда ишламасдан туриб ҳам яшай оладиган шахслар борлигига гувоҳ бўлади. Руфни севиб қолади. Шундан бошлаб йигитда ижобий фазилатлар урчий кетади: хулқ-атворини тузата бошлаш, қироатхонага қатнаш, фалсафа, тарих, грамматикани ўрганишга киришиш, тозаликка риоя қилиш, фикрлашни ўрганиш, соф инглизчани ўргана бошлаш, мулозамат кўрсатиш, ичкиликни ташлаш, безори дўстлар билан орани узиш, тартибсиз ҳаёт билан хайрлашиш шулар сирасидандир.

Мартин бир вақтлар шаробдан, эндиликда эса Руфдан маст эди. Театрга илк бор қадам қўйди-бунга ҳам суйгани сабаб эди. Ўзини беҳаё қизлардан узоқ тутди, бари Руф учун.

Мартинни чиркин ҳаёт ўз домига тортишга интилар, йигит бўлса ўз характери билан гувои бўлаётган жамиятдан устун эди, бу устунликни у сезар эди. Руфнинг нигоҳи самовий эди, унга бу қадар серқирра билимларни қизнинг висоли бераётганига қаттиқ ишонарди.

Бир вақтлар кўча зўри бўлган бу жайдари йигитнинг мияси ҳали қадам етмаган кўриқ ерга ўхшарди-илм олиб чарчамаганди. Мартиннинг ботини улуғ ишларга қодир эди-уммон сарҳади мисол кўламдор табиатли бир шахс эди. У юксак мартабага эришиш учун ижод иши билан машғул бўлади: ҳар куни уч мингта сўз ёзади. Йигирма бир мингта сўздан иборат асари учун 420 доллар гонорар ҳам олади. Руф бу ҳокисор йигитнинг ўзи боис ўзгарганини билар, уни ўз йўлига солишга ҳаракат қилар эди.

² Jek London. Martin Iden. Toshkent, "Yangi asr avlodi", 2022;

Бироқ, афсуски, қизнинг севгани Мартин эмас, пул, мартаба, давлат бўлиб, буни Мартин кучли бир дард билан, алам билан тушуниб этади. Йигит ночорлигида соясини кўрсатмаган қиз шуҳрат чўққисига чиққан вақтида чўриси бўлишга шай туради. Айни шу ҳолат Мартинни Руфдан, умуман, жамиятдан бездиради.

Кишиларга инсоннинг ўзи эмас, шон-шавкати, мартабаси, давлати муҳимроқ эканига ишончи комиллашади. Шу ондан бошлаб унинг аниқ мақсадли ҳаракати тўхтаб қолади, жамиятда ёлғиз эканини тушунади. Сўнгги умидлари саробга айланади. Оломон Мартиннинг шон-шавкатини севарди, шахсиятини эмас. Мартин буни ичдан биларди. У оломон кутган шавкатпараст эмасди. Оломонга ИНСОН эмас, унинг номи, давлати керак. Мартин самовий Руфни севарди, буржуазия вакиласи саналган Руфни эмас. Одамга доимийлик, муносабатларда вафодорлик нисбатан хос. Мартин ерда янги жаннат топа олмади. У Ф.Ницшенинг яшаш, тириклик борасидаги фикрларини асло хушламасди. Мартин фонийликнинг абадийликка соя солгувчи зулмат эканини англайди, буни тушуниб етганида эса онг шуури узилади.

Рус олими Юрий Боров ички нафосат манбаларини **изтироб-заволлик-мотам-шодлик**³ формуласи билан ифода этади. Мартин Иден-трагик образ, унинг шамойили сурон шайдосини эсга солса, ботиний олами эса **Боров формуласи**даги 4 унсур билан обдон муштараклашган.

Адабиёт назариясининг тили билан айтганда, Мартин Иден учун такаббур жамият, суюклиси **Руф - тугун; меҳнат, ижод - кулминация; танҳолик эса ечимдир**. Мартин-уммонтабиат эди, ҳаётини, жисмини уммонга ҳады этди, унинг саркашлигида, жумбоқлигида, сукунатида, ғазабида, нафратида уммонларнинг ибрати бор.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Арасту. Поэтика. Тошкент, УМЭ Давлат нашр., 2018.
2. Боров Ю. Эстетика. Москва, Издательство политической литературы, 1988.
3. Jek London. Martin Iden. Toshkent, "Yangi asr avlodi", 2022.

³ Юрий Боров. Эстетика. Москва, Издательство политической литературы, 1988, стр 67.